БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА АЛИШЕР НАВОИЙНИ ЎРГАНИШ

И.Убайдуллаев, И.Эргашев

В статье рассматривается роль творческого наследия Алишера Наваи как дидактического материала в морально-нравственном воспитании учеников начальных классов.

In this article the role of a creative heritage Alisher Navoi as didactic material in moral education of the pupils of beginners is considered.

Ҳар бир соҳа борки, у ўз мақсади ва вазифасига эга бўлиб, жамиятнинг ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этади. Шундай соҳалардан бири адабиётдир. Адабиёт инсонни ўзига шундай жалб этадики, ҳеч қайси кўнгил унга бефарқ бўла олмайди. Айниқса, адабиёт ёшларни ийимон-эътиқодли кишилар сифатида ва Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда, уларда юксак инсоний фазилатларни шакллантиришда тенгсиз тарбия воситаси бўлиб хизмат қилади. Тарбия – кенг қамровли, теран мазмунли тушунча. Тарбия деганда болани боқиб, катта қилиш ва одобахлоқ, иш-ҳунар ўргатишни ҳам, турли соҳалардан билим бериш ва тарбияланувчига бирор одат, тартиб, хислатни сингдиришни ҳам, бадан тарбияси ва кўчатлар, экин-тикинларни парвариш қилишни ҳам тушунамиз. Хуллас, инсонлар, ҳайвоноту наботот – барча мавжудот тарбияга муҳтождир. Таълим эса ана шу тарбиянинг узвий қисми, тарбия бамисоли бир дарахт бўлса, таълим унинг меваси – самарасидир.

Навоийнинг «Ўзингга раво кўрмаган нарсани бировга раво кўрма», «Тилинг билан кўнглингни бир тут» каби ҳикматлари аллақачон халқ ичига сингиб кетган.

Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий ҳақида сўз кетар экан, муҳтарам Президентимиз ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида бу улуғ зот ҳақида қуйидаги қимматли фикрларини билдириб ўтади: «Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади. Она тилига муҳаббат, унинг беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга, аввало, Навоий асарлари билан кириб келади. Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз”[1;47-48].

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб ўзлигимизни англашда Навоийни англаш муҳим аҳамият касб этишини таъкидламоқчимиз.

Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодида кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари учун ҳам ибратли жиҳатлар жуда кўп. Ғиёсиддин Кичкина хонадонида даврнинг етук шоирлари тўпланиб туриши, у ердаги суҳбатлар, мушоиралар ёш Алишер дунёқарашининг шаклланишида, унинг қалбида адабиётга муҳаббат ўйғонишида муҳим омил бўлиб хизмат қилгани бежиз эмас. Бинобарин, соғлом, насли тоза, покиза оила муҳитининг тарбияда ўрни беқиёсдир. Улуғ бобомиз Алишер Навоий хонадонида ана шундай гўзал оилавий муҳит ҳукмрон эди. Алишернинг 3 ёшидаёқ Амир Қосим Анвордек улуғ сўфий шоир шеърини, 4–5 ёшида эса Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут–тайр”дек мураккаб фалсафий достонини ёддан билиши — ана шу интеллектуал оилавий муҳит самараси, бу эса биз учун ибрат мактабидир.

Алишер Навоийнинг ҳикматли сўзлари, унинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига оид ҳикоялар 2–3 синфлар “Ўқиш китоби” дарслигига киритилган бўлиб, улар болаларда юксак инсоний фазилатларнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, 2-синф “Ўқиш китоби”да “Алишер билан Булбул” ҳикояси ўқувчиларни табиатга муҳаббат руҳида тарбиялашга, уларда муомала маданиятини шакллантиришда, айниқса, луғат бойлигини оширишда муҳим роль ўйнайди. Ҳикоядаги **“тахаллус”** ва **“наво”** сўзларининг таҳлили ва ўқитувчи томонидан берилган изоҳ ўқувчиларнинг сўз бойлигини оширади.

Ушбу дарсликдаги “Шоир билан Шоҳ” ҳикояси болалар ҳаётида дўстлик, қизиқувчанлик, яхшилик, адолат устувор эканлигидан далолатдир. Бундан ташқари дарсликда берилган:

Оз-оз ўрганиб доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.
Оламдан ғамсиз ўтай десанг,
Илму ҳунар ўрган, —

каби Навоий ҳикматлари болалар учун ибратлидир.

Бу фикр бугунги таълим-тарбия жараёнининг ўзагини ташкил қилади. Биз ватанпарвар, меҳнатсевар, илмли, адолатли ёшларни тарбиялашга ҳаракат қилмоқдамиз. Бизга бу йўлда Навоийнинг юқоридаги фикр-мулоҳазалари дастуриламал вазифасини ўташи турган гап.

3-синф “Ўқиш китоби”да берилган севимли болалар шоири Пўлат Мўминнинг “Доноларнинг доноси” номли ҳикоясида бобомиз Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди содда ва равон тилда баён этилган бўлиб, ўқувчиларда шоир ҳаёти ва ижодига қизиқишни орттиради. Ҳикоянинг III қисмида Навоий ҳикматлари халқ мақоллари, ҳикматли сўзларга айланиб кетганлигининг гувоҳи бўламиз. Жумладан:

Тилга ихтиёрсиз –
Элга эътиборсиз.

Одами эрсанг демагил одами,
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.

Ушбу ҳикматли сўзларни ўқувчиларга тушунтиришда ўқитувчидан чуқур билим, юксак маҳорат ва ижодкорлик хислатлари талаб этилади.

Ҳикоянинг IV қисмида шоирнинг устозларга бўлган чуқур ҳурмати акс эттирилган:

Ҳақ йўлинда ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак осон эмас онинг ҳақин юз ганж ила.

Ҳикматли сўзни таҳлил этиш ва изоҳлаш орқали ўқитувчи ўқувчилар онгига “устоз—шогирд”лик анъанаси ниҳоятда буюк қадрият эканлигини сингдириши мақсадга мувофиқдир.

Навоийни чуқурроқ англаш учун фақат дарсликда берилган мавзулар билан чекланиб қолмасдан, синфдан ташқари тадбирларда ҳам шоир ҳаёти ва ижодига кўпроқ эътибор беришлари фойдадан холи бўлмас эди. Масалан, ўқувчиларни синфдан ташқари ўқишда Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” асари билан таништириш мақсадга мувофиқдир. Алишер Навоий ўз асарларида, жумладан, “Ҳайрат ул-аброр”да болаларни илм-ҳунарли бўлишга, меҳнатни севишга ундаб, ўрганилган илм ва ҳунарларини халқ, Ватан манфаатлари йўлида сарф қилиш зарур эканлигини уқтиради. У ўз асарларида ақл, илм инсоннинг энг гўзал ва зарурий фазилатларидан бири эканлигини уқтиради ҳамда ҳар бир кишининг энг муҳим бурчи илм олиш эканлигини таъкидлайди:

Илмни ким воситаи жоҳ этар,
Ўзини-ю, халқни гумроҳ этар.

Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” (“Яхши кишиларнинг ҳайратланиши”) асарининг бир неча боблари одоб-ахлоқ ва таълим-тарбия масаласига бағишланган. Масалан, шоир 6–мақолатда одоб ва камтарликни улуғлаб, таълим тарбияга доир қимматли фикр-мулоҳазаларини баён қилиш билан бирга, такаббур ва одобсиз кишиларни қаттиқ

қоралайди. Бу фикрлар Шарқ оламида мўътабар саналган ҳадисларга, Навоийдан олдин ва кейин яшаб ижод қилган барча маърифатпарварларнинг асарларига ҳар томонлама монанд келади.

Фарҳод, Ширин, Баҳром, Лайли, Мажнун ва бошқа образлар орқали Навоий илмнинг буюклигини, илмли кишиларнинг бағри кенглиги, фикр дунёси теранлигини кўрсатиб ўтган. Бу ғояни бошланғич синфдан бошлаб ўргатиш биз — келажагимиз учун астойдил қайғураётган ўзбек халқига сув ва ҳаводек зарур. Зеро, “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” нинг бош мақсади ҳам шундан иборат.

Муаллиф достоннинг бу мақолатида бола тарбияси, уни ўстириш, ўқитиш ва балоғатга етказиш ҳамда бу борада ота-онанинг вазифаси ҳақида батафсил фикр юритади. Шоир ёшларни ота-онанинг хизматини бажаришга, уларни ҳурмат қилишга, уларга нисбатан ҳамиша меҳр-муҳаббатли бўлишга чақиради, ота-онани ой ва қуёш деб таърифлайди:

Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа ано бошиға…
Тун-кунунгга айлагали нурпош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш…

Асарнинг 10–мақолати ростгўйлик, ҳалоллик ва тўғриликка бағишланган бўлиб, Навоий унда кишиларни ростгўй ва тўғри бўлишга чақиради, ёлғончилик ва эгриликнинг зарарли оқибатларини айтиб ўтади. Бунинг исботи сифатида мақолатда “Шер билан Дуррож” масали ҳам келтирилган.

Улки шиор айлади ёлғон демак,
Бўлмас ани эру мусулмон демак.

Навоий асарнинг 11-мақолатида илм-фан ҳақида сўз юритиб, кишиларни илм олишга, олимларни иззат-ҳурмат қилишга чақиради. Шу билан бирга, шоир ўша даврда меҳнаткаш ва мусофир талабаларнинг илм олиш йўлида чеккан машаққатларидан, илм-фан эгаларининг муҳтожликда яшаганларидан афсус-надоматлар чекади. Навоий илмдан амалда фойдаланиш зарурлигини таъкидлайди:

Илм, Навоий сенга мақсуд бил,
Эндики илм ўлди амал айлагил.

Навоийнинг ярамас одат ва хулқ-атворларни шафқатсиз қоралаши, олижаноб инсоний фазилатларни қадрлаши, болаларни ўқиш, ўрганиш ва юксак одобли, аъло хулқли бўлишга чақириши катта аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Навоий асарлари ўсиб келаётган ҳар бир ёш авлод, айниқса, бошланғич синф ўқувчилари учун мукаммал тарбиянинг асосий омилидир. Адиб ижодининг сўнмас ва абадийлиги ҳам ана шундадир. Уни эъзозлаш, қадрига етиш ва келажак авлодга шундайлигича топшириш муқаддас бурчимиздир.

Адабиётлар:

1.Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.- Т.: Маънавият, 2008.
2.Абдуллаева Қ. ва бошқалар. Ўқиш китоби. 2-синф учун.- Т.: Ўқитувчи, 2004
3.Умарова М., Ҳакимова Ш. Ўқиш китоби. 3-синф учун.- Т.: Чўлпон, 2005
4.Саъдий Маҳмуд. Боланг ўзингдан яхши бўлсин.- Тарбия.- 2007.- № 1.–Б.13-14

Андижон Давлат университети,
2009 йил 26 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: п.ф.д. Ш..Юсупова)